


O'ZBEKISTONDA SOG'LIQNI SAQLASH

ЗДРАВООХРАНЕНИЕ
УЗБЕКИСТАНА



t.me/uzbekistondasog'liqni-saqlash

IJTIMOYIY-SIYOSIY GAZETA ♦ 1995–YIL OKTABR OYIDAN CHIQA BOSHLAGAN

ЎЗБЕКИСТОН СОГ'ЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРИНИНГ СОҲА ХОДИМЛАРИ ВА АҲОЛИГА

МУРОЖААТИ

Ҳурматли тиббиёт ходимлари! Азиз юртдошлар!

Коррупция – жамият тараққиётига тўсиқ бўлувчи хавфли иллат бўлиб, унинг салбий оқибатлари барчамизга аён.

Шу боис юртимиз соғлиқни сақлаш тизимида бу муаммога қарши кескин ва мурасасиз курашиш, соҳада очиқлик ва шаффофликни таъминлаш, коррупциявий хавф-хатарларни эрта аниқлаш ҳамда уларга йўл қўймаслик, турли бюрократик тўсиқларга барҳам бериш бўйича қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Албатта, ушбу масъулиятли жараёнда барча саъй-ҳаракатларимизни бирлаштирмай туриб, қўзланган мақсадга эришиш имконсиз. Шу сабабдан, бу ўткир муаммонинг оқибатларини чуқур англаган ҳолда, соҳада коррупцияга барҳам бериш ва муаммоларимизни елкама-елка туриб, самарали ҳал этиш мақсадида Сизларга мурожаат қилмоқдаман!

Президентимиз 2025 йил 26 декабрда Олий Мажлис ва халқимизга Мурожаатномасида коррупция жамиятда ишонч муҳитини издан чиқарадиган жиддий таҳдид эканини таъкидлаб, 2026 йил унга қарши курашишда “фавқулодда ҳолат” эълон қилинишини маълум қилган эди.

Шундан келиб чиқиб, тиббиёт тизимида бу йўналишда замонавий механизмларни кенг жорий этишга алоҳида эътибор қаратяпмиз.

Масалан, соҳада бюджет маблағларининг мақсадсиз сарфланиши ҳамда коррупциявий хавфларни эрта аниқлаш ва уларга чек қўйиш мақсадида янги тизим – “Ситуацион марказ” фаолияти йўлга қўйилди. Натижада ўтган даврда 247 млрд. сўмлик бюджет

маблағлари тежаб қолинди ҳамда 9,7 млрд. сўм ортиқча режалаштиришнинг олди олинди. Шунингдек, манфаатлар тўкнашувига доир 1280 та хавф аниқланиб, бартараф этилди.

Вазирлик қошида манфаатлар тўкнашуви ва коррупция ҳолатлари бўйича тезкор хабар бериш бўйича ягона “1203” қисқа рақамли “Call-марказ” 24/7 режимида ишга туширилди.

Соғлиқни сақлаш тузилмалари ва уларнинг ходимлари томонидан қонунчиликка риоя қилиниши, соҳа мутахассисларининг аҳоли билан муомала қилиш даражасини баҳолаш мақсадида илк бор “Сирли мижоз” институти жорий қилинди.

Шунингдек, Тошкент давлат тиббиёт университети ва бошқа таълим муассасаларида “Тиббиётда коррупциянинг олдини олиш” номли махсус фан жорий қилиниб, бу бўйича 2 700 нафар бакалавр, 870 нафар магистр, 1856 нафар шифокор ҳамда 13 804 нафар ўрта тиббиёт ходими ўқитилди.

Коррупция омилларини барвақт аниқлаш мақсадида 5 та ваколатли ташкилот ўртасида тезкор маълумот алмашинуви йўлга қўйилди.

“CERT International” халқаро аудитор ташкилоти томонидан вазирлик марказий аппаратида коррупцияга қарши бошқарув тизими халқаро стандарти (ISO 37001:2016) мувофиқлик сертификати топширилгани муҳим воқеа бўлди. Коррупцияга қарши курашиш самарадорлиги рейтингини “яхши” тоифага ўтказиш юзасидан марказий аппарат ва ҳудудий бошқармалар кесимида “Йўл харита”си тасдиқланиб, ижрога йўналтирилди.

Аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш жараёнида кор-

рупциянинг олдини олишга қаратилган DMED тизими жорий этилди.

Бундай ишлар натижасида соғлиқни сақлаш соҳада коррупцияга оид жиноятчилик ўтган йилга нисбатан 5,6 фоизга камайишига эришилди. Бирок, ушбу саъй-ҳаракатлар етарли эмас. Бу борада ҳали қилинадиган ишлар талайгина.

Шу боис ўз касамёди, касби ва бурчига содиқ, ҳалол, виждони пок Сиз, азиз тиббиёт ходимларини бундан кейин ҳам тиббиётни коррупциядан холи тизимга айлантириш йўлида бор билим ва тажрибангизни сарфарбар этасиз, деб ишонаман.

Шу билан бирга, соҳада коррупцияга қарши самарали курашишда кенг жамоатчиликнинг кўмаги ва иштироки муҳим, деб биламиз.

Ҳурматли фуқаролар!

Вазирлик марказий аппарати, ҳудудий бошқармалар, тизим ташкилотлари ва муассасалари ходимларининг коррупциявий хатти-ҳаракатлари ёки қонунчиликка зид бошқа ҳуқуқбузарлик ҳолатларига алоқадорлиги юзасидан маълумотга эга бўлсангиз, вазирликнинг “1203” қисқа рақамли “Ишонч телефони” ҳамда info@ssv.uz электрон почта манзили орқали мурожаат қилишингиз мумкин.

Мурожаатлар махфийлиги кафолатланади ва улар вазирлик томонидан тезкор ўрганилиб, зарур чоралар кўрилиши таъминланади.

Асилбек ХУДАЯРОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Соғлиқни сақлаш вазири.

■ Эътироф

ЎЗБЕКИСТОН ТИББИЁТИ ЮТУҚЛАРИ “EURONEWS” ДА ЭЪТИРОФ ЭТИЛДИ

“Euronews” телеканалда Ўзбекистон тиббиётидаги трансформация жараёнлари ва уларнинг натижаларига бағишланган таҳлилий кўрсатув намойиш этилди. Ушбу видеолар телеканалнинг ижтимоий тармоқлардаги барча расмий манбаларида ҳам эълон қилинди.

Хусусан, унда соғлиқни сақлаш тизимидаги рақамлаштириш жараёнлари, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш йўналишидаги ислохотлар, хусусий сектор учун яратилган имкониятлар, тиббий таълимдаги сифат ўзгаришлари ҳақида сўз юритилади.

Мавзу юзасидан Соғлиқни сақлаш вазири ўринбосарлари Элмира Баситханова ва Олим Омонов ҳамда Болалар миллий тиббиёт маркази директори

Бахтиёр Умаров, Тиббиёт ташкилотларини лицензиялаш ва аккредитациялаш маркази директори Жалолиддин Асамутдинов каби масъулларнинг интервьюлари ҳам берилди.

Шунингдек, “Euronews” сайтида Ўзбекистонда амалга оширилаётган юқори технологик ноёб жарроҳлик операциялари ҳақида инглиз, француз, немис, италян, испан, португал, поляк, рус, турк, грек, венгер, албан, форс, араб,



румун, болгар, серб, босния ва грузин тилларида таҳлилий мақола ҳам эълон қилинди.

@ssvuz

■ Халқаро мулоқот

ЖССТНИНГ АШХОБОД АНЖУМАНИДА ҚАНДАЙ МАСАЛАЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ?

Шу йил 16 – 18 февраль кунлари Туркменистон пойтахти Ашхобод шаҳрида Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ташаббуси билан Глобал соғлиқни сақлаш дипломатияси юзасидан юқори даражадаги мулоқот ўтказилди.

– бирламчи тиббий ёрдам, она ва бола саломатлиги, касалликларнинг олдини олиш масалалари ушбу тузилма стратегик мақсадларига тўла мос келиши, шу боис ислохотлар изчил қўллаб-қувватланиши маълум қилинди.

вазири ўринбосари А. Овезов билан ўтказилди. Унда томонлар 2025 йил ноябрь ойида имзоланган соғлиқни сақлаш ва тиббий таълим соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисидаги Хукуматлараро келишув ҳамда биологик хавфсизлик



Европа ва Марказий Осиё минтақаларидан кўплаб давлат вакиллари камраб олган нуфузли анжуманда Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари Алишер Бобоев бошчилигидаги делегациямиз ҳам қатнашди.

Тадбирда иштирокчи давлатларнинг соғлиқни сақлаш ва ташқи сиёсат соҳаларидаги ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, дипломатик ёндашувлар орқали барқарор ва илмий асосланган қарорлар ишлаб чиқиш масалалари таҳлил қилинди. Глобал тахдид шароитида соғлиқни сақлаш дипломатияси ўрни, музокаралар, стратегик коммуникация

ва консенсусга эришиш бўйича ҳам фикр-мулоҳазалар билдирилди. Мазкур мулоқот соғлиқни сақлаш соҳасида ўзаро тажриба алмашиш, билим ва кўникмаларни ошириш, ҳамкорлик алоқаларини кенгайтиришда ўзига хос платформа бўлиб хизмат қилди.

Анжуман доирасида делегациямиз раҳбари иштирокида қатор учрашувлар ўтказилди. Хусусан, ЖССТнинг Европа минтақавий бюроси директори Ханс Клюге билан ўтган учрашувда юртимизда тиббиёт соҳасида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар юқори баҳоланди. Ўзбекистон белгилаган устувор йўналишлар

Қирғизистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг рақамлаштириш масалалари бўйича ўринбосари Т. Эркинов билан кечган учрашувда тизимдаги ислохотлар ва икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликнинг устувор йўналишлари муҳокама этилди. Қирғизистон Республикаси томони Ўзбекистоннинг рақамлаштириш, тиббий суғуртани жорий этиш ҳамда ихтисослаштирилган тиббиёт марказларини бошқариш борасидаги тажрибасини юқори баҳолади.

Навбатдаги учрашув Туркменистон Соғлиқни сақлаш ва тиббиёт саноати

бўйича меморандум ўзаро муносабатлар учун мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлаётгани алоҳида қайд этилди. Эндиликда тиббий таълим ва кадрлар тайёрлаш, илмий-тадқиқот йўналишида ҳам ҳамкорликни кенгайтиришни даврнинг ўзи такозо этмоқда.

Томонлар илмий-амалий конференциялар, тиббий форумлар, тренинг ва мастер-класслар ўтказиш ҳамда кадрлар алмашинувини янада кенгайтиришга келишиб олди. Юқори даражадаги анжуман барча иштирокчилар учун манфаатли бўлди.

@ssvuz

ЛИЦЕНЗИЯЛАШ ВА АККРЕДИТАЦИЯЛАШДА ШАФФОФ ТИЗИМ ЯРАТИЛАДИ

Охириги йилларда Ўзбекистон тиббиёти жадал ривожланган барчага маълум. Бунини 2017 йилда хусусий шифохоналар сони қарийб 3,3 мингтани, бугунга келиб, 8 минг 600 дан зиёдни ташкил этаётгани мисолида ҳам кўриш мумкин. Улар томонидан умумий тиббий хизматларнинг 30 фоизи камраб олинаётгани, айниқса, эътиборга молик.

Яна бир мисол: олдинлари хусусий клиникалардаги ихтисослик турлари 50 та бўлган, ҳозирда 210 тадан ошди. Ушбу ижобий кўрсаткичларда Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Тиббиёт ташкилотларини лицензиялаш ва аккредитациялаш марказининг муносиб улуши бор.

Марказ 2023 йилда Президентимизнинг тегишли қарори билан ташкил этилган. Унинг фаолиятини халқаро талаблар асосида йўлга қўйиш чораларини кўряпмиз. Рақамли ечимлар жорий этиш ҳамда аккредитация тизимини халқаро стандартлар асосида шакллантириш ишлари олиб борилмоқда.

Лицензиялаш ва аккредитациялашнинг ўз вақтида, сифатли, шаффоф кўриб

чикиб, инсон омилини камайтириш ва қулайликлар яратиш мақсадида “CLAMO Cabinet” платформаси тест режимида ишга туширилганини айтиш зарур. Марказда “1369” қисқа рақамли “Call марказ” ташкил этилгани ҳам диққатга сазовор. Ўтган йилда унга 510 та мурожаат бўлгани ҳолда, улардан 55 фоизини лицензия бўйича масалалар ташкил этган.

Аккредитациялаш йўналишида ҳам яхши ишлар амалга оширилмоқда. **Жумладан:**

Аккредитациялаш бўйича Миллий стандартлар ишлаб чиқилди ҳамда амалиётга татбиқ этиляпти. Миллий аккредитация тизимини жорий қилиш бўйича ишчи гуруҳ ташкил этилди.

Ўтган йил июнь ойида халқаро экспертлар томонидан бир ҳафталик ўқув семинари ўтказилди ва 11 нафар мутахассис халқаро сертификатга эга бўлди. Марказимиз томонидан халқаро ҳамкорлик изчил давом эттирилмоқда. Миллий стандартларни аккредитациядан ўтказиш бўйича ISQua халқаро ташкилотига ариза юбордик. Тегишли баҳолаш жараёнлари якунига етгандан сўнг муассасамиз халқаро аккредитациядан ўтади. Шу ўринда марказимиз томонидан ҳозиргача Тошкент шаҳридаги “M-Clinic” ва Самарқанддаги “Meros” клиникалари Миллий стандартлар бўйича аккредитациядан ўтказилганини айтиш жоиз. Айни чоғда яна 5 та тиббиёт муассасасини Миллий аккредитациядан ўтказиш жараёни бошланган. Ҳозирга пайтда лицензиялаш ва аккредитациялаш жараёнларини янада соддалаштириш, тиббиёт ташкилотлари учун тенг ва қулай шарт-шароитлар яратиш ҳамда давлат ва хусусий сектор ўртасида самарали ҳамкорликни кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Умуман олганда, соҳа амалиётига



киритилаётган лицензиялаш ва аккредитациялаш бўйича Миллий шаффоф тизим тиббиёт ташкилотларида хизматлар сифатини ошириш, беморлар хавфсизлигини кафолатлаш, давлат ва хусусий сектор ўртасида рақобат муҳитини кучайтириш имконини беради.

Жалолiddин АСАМУТДИНОВ,
Соғлиқни сақлаш вазирлиги
ҳузуридаги Тиббиёт
ташкилотларини лицензиялаш
ва аккредитациялаш
маркази директори.

Архив ҳужжатлари асосида

ДАРДЛАРГА ДАРМОН БЎЛГАН ОЛИМА...

(Тиббиёт фанлари доктори, профессор Наима Махмудова ҳаёти ва фаолиятига бағишланади)

Аёл Аллоҳ таоло тарафидан яратилган нозик бир хилқат. У оилада фаровонликни, хонадонда тартиб ва озодаликни, инсоний муносабатларда яхши муҳитни ва илиқликни яратади. Аёл оилада она ва сеvimли ёр бўлиши мумкин, аммоу ишга киришса мисли кўрилмаган ишларни ҳам амалга ошира олади. Агар тарихга назар ташласак, ҳар бир буюк шахс муваффақияти ортида аёл сиймоси турганини кўраимиз. Шунинг учун қадимдан аёллар билимдонлиги ва донолиги ҳамда фарзандларига берган чиройли тарбияси билан буюк инсонларни вояга етказган.

Ҳозирги кунда аёлларни жамоат ташкилотларнинг ишларида, илғор тадбиркорлар сифатида, сиёсатда, маданий ҳаётда ва халқаро миқёсида ва ҳатто оғир ишларда учратишимиз мумкин. Аёллар жамиятимиз ва давлатимиз олдида турган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий муаммоларни ҳал этишда эркаклар билан бир қаторда иштирок этмоқда. Аёл кайси соҳада бўлмасин шу соҳани ўзини меҳри, салоҳияти, меҳнатсеварлиги ва нафосати билан қамраб олади. Бугунги кунда шундай ўз ишига садоқатли, фидойи, тиббиёт соҳасини ривожланишига, Ўзбекистонда аҳоли саломатлигини сақлаш муаммоларини ҳал этишга ўз хиссасини қўшган бир қанча аёл шифокорларнинг шахсий фондлари Ўзбекистон илмий-техника ва тиббиёт ҳужжатлари миллий архивида (кейинги ўринларда – Ўзбекистон ИТТХ МА) сақланиб келинмоқда. Тиббиёт фанлари доктори, профессор, хизмат кўрсатган фан арбоби, Соғлиқни сақлаш аълочилиси, ўзбек тиббиёт олимаси Ҳамидова Манзура Ҳамидовна, тиббиёт фанлари доктори, Марказий Осиё пульмонологлари ассоциацияси аъзоси ва Пульмонология бўйича ихтисослаштирилган кенгаш аъзоси Садыкова Гульнора Абраровна, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, акушер-гинеколог, профессор Шорохова Антонина Алексеевна, профессор-эпидемиолог, тиббиёт фанлар доктори Ибадова Гульнора Алиевна, профессор, Ўзбекистон Республикаси ССВ (НИИЭМИЗ) ҳузуридаги докторлик диссертацияларини ҳимоя қилиш бўйича ихтисослаштирилган кенгаш раиси, Ўзбекистон юқумли касалликлар жамияти раиси, Евроосиё юқумли касалликлар жамияти аъзоси Аҳмедова Муборакхон Джалилловналарнинг номларини келтириш мумкин. Лекин, шу билан бирга шундай олима шифокор борки, ҳаёти давомидаги турли хил синов ва қийинчиликларга қарамасдан, ўзининг бутун умрини инсонларнинг саломатлигини тиклашга бағишлаган ҳамда тиббиёт соҳасини ривожланиши учун тинмай илмий изланишлар олиб борган, шарафли касб эгаси бўлган профессор, ўзбек шифокори, олима аёл Махмудова Наима Махмудовна ҳақида ёзишга жазм қилдик. Ўзбекистон ИТТХ МАда олиманинг шахсий фонди (324-фонд) шакллантирилган бўлиб, улар 1967-2005 йилларни ўз ичига олган ва 37 сақлов бирлигини ташкил этади. Улар асосан олиманинг илмий ишлари, монография, қўлланмалар, фахрий ёрликлар ва фотосуратлардан иборат. Мазкур архив ҳужжатларини ўрганиш натижасида Наима Махмудованинг синовли ҳаёт йўли, илмий фаолияти ва бу борадаги ютуқларининг салмоғи кўплиги маълум бўлади. Хусусан, унинг тиббиётга бағишланган ҳаёт йўлини ёритишда архивнинг шахсий фондида сақланаётган таржимаи холига онд қимматли ҳужжатлари асосий

манба бўлиб хизмат қилди.

Наима Махмудова 1928 йил 10 августда Тошкент шаҳрида ишчилар оиласида туғилган. Унинг болалик даври жуда оғир ўтган бўлиб, отаси шоир, ёзувчи, Ходиев Махмуд Максудович бўлган. У (Ходиев М.) 14 ёшидан бошлаб шеърлар ёзишни бошлаган ва кейинчалик ўзбек шоири сифатида танилган эди. Шунингдек, партия ва давлат органлари редакцияларида ишлаган. Бироқ, Махмуд Ходиев 1930 йилда миллатчиликда айбланиб, 1938 йил 9 май ойда “миллатчи, халқ душмани” дея отишга ҳукм қилинган. Бу синовлар Наиманинг онасини ҳам четлаб ўтмади, у халқ душмани сифатида таъқиб қилиниб, 1941 йилда Сибирга сургун қилинади. Бу орада эндигина икки ёшли Наима бувиси Ходиева Тўхта ва бобоси Ходиев Мақсуд кўлида қолиб вояга етади. Буви си лотин ва араб тилларини яхши билгани учун Наимага ўзбек халқ эртакларини ўқиб бериб унда ўзбек маданияти, урф-одатларига меҳрини уйғотади. Буви си уни тез-тез отасининг қариндошларини олдига олиб борар, улар эса ўзларининг донолиги билан Наимани қалбига ўзбек халқига бўлган ишонч ва хурматини оширишади. Илм ўрганиш, ҳаётда ўз ўрнини топишини истаган бобоси ва буви си уни замонавий тилларга мослашган мактабга беришади. 1944 йилу Марказий (Ўрта Осиё) Осиё Университетининг тайёрлов ўрта мактабини тугатиб, амакиси Ходиев Содиқ Максудович ташаббуси билан 1945 йилда солиқ Тошкент давлат тиббиёт институтига кирди. У Наимага оталик меҳрини бериб, унга деярли барча ишларида ғамхўр бўлади, қўлидан келганда ундан ёрдамни аямади. Буви сининг тарбияси, оиладаги яхши муҳит сабаб Наима Махмудова одамларга яқинроқ бўлиб, касал ва муҳтожларга ёрдам бера бошлади. Инсонларнинг дардига даво бўлиб, улардан меҳр кўрган ёшгина Наима тиббиёт соҳасини пухта эгаллаб ўз тажрибаси ва билими туфайли етуқ мутахассис сифатида етишиб чиқади. Ўқиш даврида у акушер-гинекология ва асаб касалликлари айниқса, нейрохирургия соҳасига жуда кизиқади. Ўқишдан кейин Наима Махмудова бир вақтни ўзида туғруқхонада ёрдамчи ҳамшира, кейинчалик дояга ёрдамчи бўлиб фаолият олиб боради. Такдир тақозоси билан у Ўзбекистоннинг энг чекка, айниқса, тиббий ёрдамга муҳтож бўлган Хоразм вилояти Хива шаҳрига ишга боради. Ўша пайтда Хоразмга етиб олиш учун авиация транспорти ҳам темир йўл ҳам бўлмаган. 10 йил Сибирда сургунда бўлиб қайтган онаси Наима Махмудова билан Туркманistonнинг Чордўй тумани орқали оғир шароитларда юк поездида Урганча, сўнг юк машинасининг кузовида Хивага етиб олишади. 1951 йилда Хива шаҳрига етиб боришдан кейин улар бир шифохонанинг палатасига жойлаши-

шади, кейинчалик бир хонали уйни ижарага олишади. Наима Махмудова ўз фаолиятини Хива шаҳридаги поликлиникада невропатолог лавозимида ишлаб бошлади. У ҳар кунни янгидан янги беморларни даволайди, кўп китоб ўқийди, малакали шифокорлардан маслаҳат олиб ўрганadi. 1951 йилнинг охирида у Тошкент шифокорлар малакасини ошириш институтига ариза билан мурожаат қилади. Унга малака ошириш курсида ўқиши учун алоҳида йўлланма юборилади. Наима Махмудова 1952 йил январь ойда Тошкентда малака ошириш курсида ўқий бошлади. Ўқиш даврида у ўзини умр йўлдоши, самарқандлик Умар Қурбоновни учратиб, унга турмушга чиқади ва тақдир тақозоси билан Самарқандга кетади. Наима Махмудова шифокорлар малакасини ошириш институтини битиргандан сўнг 1954 йилда Самарқанд вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси қарорига кўра Ургут тумани санитария эпидиомология хизматига бош шифокор этиб тайинланган. Ургут туман бўйича юқумли касалликлар тарқалиб кетган учун санитария эпидиомология хизматининг асосий эътибори юқумли касалликлар билан курашишга қаратилган эди. Улар тинимсиз кечаю-кундуз юқумли касалликни қамайтириш билан курашади. Наима Махмудованинг саъй-ҳаракатлари билан Ургут туманида ўта юқумли касалликлар сезиларли даражада қамайтиришга эришилади. Ургут СЭС да қилган ишлари учун Наима Махмудова 1957 йил Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан тақдирланади. Бу эса Самарқанд вилояти Соғлиқни сақлаш Бошқармасига бош шифокор лавозимига тайинланишига сабаб бўлади.

Наима Махмудова 1963 йилдан 1971 йилгача Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари лавозимида ҳам фаолият олиб борган. 1968 йилда у академик Эргаш Атаханов раҳбарлигида “Ўзбекистонда терапиянинг ривожланиши” мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилади. 1975 йилда “Организация медицинской реабилитации и социальной адаптации больных детским церебральным параличом в Узбекистане” мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қилган. Олиманинг ушбу материал асосида 229 саҳифали “Детский церебральный паралич” ва 487 саҳифадан иборат “Медицинская реабилитация и социальная адаптация больных детей церебральными параличами” китоби, болаларда мия фалажи касаллиги бўйича 2 та монография, 70 та илмий мақола ҳамда 110 тадан ортиқ касабма уюшмалари мавзусидаги мақолалари “Ўзбекистон тиббиёт” журнали илмий ишлар тўпламида нашр этилган. Наима Махмудова ўзини илмий ишларида кўп тармоқли шифохоналар, ихтисослаштирилган туғруқхоналар, амбулатория ва тез тиббий ёрдам кўрсатиш хизматлари, санатория тармоғини, оналик ва болалар тиббиёт муассасалари тармоғини жадал кенгайтириш ва уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, соғлом авлод етиштиришда она ва болаларни муҳофаза қилиш, айниқса, туғилган чақалоқларнинг жисмоний ривожланишига эътибор бериш, қишлоқ жойларда аёллар ва болаларга тез тиббий ёрдам кўрсатишни ривожлантириш, аҳолининг саломатлиги билан боғлиқ муаммоларни даволаш йўли билан бартараф этиш ҳақида таъкидлаб ўтган. Инсонларнинг сало-



матлигини сақлаш ва мустаҳкамлашни энг муҳим вазифа деб билган олима Наима Махмудова - соғлиқни сақлаш системаси таркиб топишида, ривожланиши ва мукамаллаштирилишида ўзининг самарали меҳнатлари билан жамият, оналик ва болалиқни муҳофаза қилишдаги фаолиятлари билан халқ меҳрига эриша олган. Олиманинг тахрири остида тайёрланган “Тиббий статистикадан амалий машғулотлар учун қўлланма” китоби тиббиёт олийгоҳларида ижтимоий гигиена ва соғлиқни сақлашни ташкил этиш фанидан ўқитиш дастури асосида тузилган ва бу амалий машғулотга мўлжалланган. Мазкур қўлланманинг эътиборли жиҳати шундаки, у тиббий статистикани ўзбек тилида баён қилишга биринчи уринишдир. Тиббий статистика - ижтимоий гигиенанинг асосий бўлимларидан бири бўлиб, аҳоли саломатлиги ва тиббий муассасалар фаолияти кўрсаткичларини ҳисоблаш, топиш учун қўлланади.

Олима 1986 йил ёшга доир пенсияга чиқишига қарамай Тошкент педиатрия институтига кафедра мудири ўринбосари, 1987 йилда кафедра мудири лавозимларда ишлаб, 1988 йилда профессор унвонини олган. Наима Махмудова давлатимиз томонидан 4 та медал ва Ўзбекистонда хизмат кўрсатган шифокор унвони, 1995 йилда Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан кейин 1-даражали “Соғлом авлод учун” ордени ва Фахрий ёрлик билан тақдирланган. Наима Махмудова дунёнинг 23 та чет эл давлатларида ўтказилган семинар, конференция, симпозиумларда делегация раҳбари ёки ўринбосари лавозимида иштирок этган.

Дарҳақиқат, Наима Махмудова ўз касбининг яхши кўриб уни улуғлади, изланди, фидойилик билан меҳнат қилди, Ватаним халқим деб, ёниб яшаб, обрў-эътиборга, хурматга сазовор бўлди. Наима Махмудова мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини ривожланиши учун кўплаб хайрли ишлар қилди, ўздан бир қанча шогирдлар қолдирган. Наима Махмудова 2017 йил 7 июнда 88 ёшида вафот этди.

Таниқли олима Наима Махмудованинг олиб борган ишлари ёшлар учун ҳамиша зарур қўмақ бера олишига ишонамиз. Ва уларнинг хотираси қалбларимизда мангу яшайди.

Феруза ЖАЛИЛОВА,

Ўзбекистон Илмий-техника ва тиббиёт ҳужжатлари миллий архиви 2-тоифали архивчиси.

■ Ўзбекистон - 2030 стратегияси:

ИСТИҚБОЛДА АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИГА ДОИР ҚАНДАЙ ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАР БОР?

Хабарингиз бор, Президентимизнинг 2026 йил 16 февралдаги тегишли фармони билан 2026 – 2030 йилларга мўлжалланган “Ўзбекистон – 2030” стратегияси тасдиқланди. Янгиланган стратегиядан 100 та устувор мақсад бўйича 437 та самарадорлик кўрсаткичи жой олган. Шундан 9 та мақсад ва 33 та кўрсаткич Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳиссасига тўғри келади. Куни кеча Президент ҳузурдаги Давлат сиёсати ва бошқаруви академиясида бўлиб ўтаётган матбуот анжуманида Соғлиқни сақлаш вазири Асилбек Худаяров бошчилигидаги тизим масъуллари журналистларнинг мавзу юзасидан саволларига жавоб беришди.

ги ва “Тараққиёт стратегияси” маркази томонидан аҳолининг фикр-мулоҳазалари ҳар куни тўпланиб, соҳалар бўйича ўрганиб борилди, бу жараёнда ҳар бир мурожаат эътибордан четда қолмади. Хусусан, аҳолидан келиб тушган 2 минг 153 та асосли таклиф кенг ўранилди, муҳим ва бажариш мумкин бўлганлари таҳрир жараёнида инобатга олинди. Мазкур ҳужжатда бошқа соҳалар қаторида соғлиқни сақлаш йўналишига доир долзарб вазифалар кўзда



бирламчи тиббий хизматларни янада яқинлаштириш, болалар ўртасидаги ирсий касалликларнинг олдини олиш ва даволаш самарадорлигини ошириш, оналар ва болалар ўлимини камайтириш, соғлом болаликни таъминлаш, онкологик касалликларни эрта аниқлаш ва ўлим кўрсаткичини камайтириш, юқумли бўлмаган касалликлар профилактикаси самарадорлигини ошириш, соғлом ва фаол кексаликни таъминлаш, аҳоли орасида тўғри овқатланиш ва соғлом турмуш тарзини шакллантириш, тиббиёт соҳасида рақамли технологияларни кенг



тутилган. Стратегияда 100 та мақсад бўйича 437 та самарадорлик кўрсаткичи белгилангани ҳамда шундан 9 та мақсад ва 33 та кўрсаткич Соғлиқни сақлаш вазирлигига тегишли эканлиги ҳам шундан далолат бериб турибди. Соғлиқни сақлаш вазири Асилбек Худаяров томонидан таъкидланганидек, аҳоли саломатлигини таъминлаш фақат тизимдагиларнинг эмас, балки барча тузилмалар ходимлари ва кенг жамоатчиликнинг долзарб вазифаси саналади. Масалан, биргина ўртача умр кўриш давомийлиги мамлакатдаги соғлиқни сақлаш тизими сифати билан бирга, экологик муҳит, ижтимоий ва иқтисодий фаровонлик, аҳолининг яшаш тарзи ва маданияти каби қатор омилларга ҳам боғлиқ. Сўнгги йилларда ихтисослаштирилган тиббий хизматларга катта



Маълумки, 2026-2030 йилларга мўлжалланган “Ўзбекистон – 2030” стратегияси бир ой давомида умумхалқ муҳокамасидан ўтказилиб, зарур фикр ва таклифлар асосида тўлдирилди. Президентимизнинг жорий йил 16 февралдаги Фармони билан мазкур Стра-

тегия тасдиқланди. Давлат сиёсати ва бошқаруви академиясида “Тараққиёт стратегияси” маркази ҳамда Стратегик ривожланиш ва ислохотлар агентлиги ҳамкорлигида ўтказилган матбуот анжумани ана шу масалага бағишланди. Қайд этилганидек, Адлия вазирли-

аҳамият берилаётгани, эндиликда касалликларга қарши курашишда бирламчи бўғинга кўпроқ эътибор қаратилаётгани айtilди.

Вазир томонидан стратегияда белгиланган, жумладан, аҳолининг ўртача умр давомийлигини ошириш, аҳолига

жорий қилиш каби энг долзарб вазифа ва йўналишлар ҳақида айтиб ўтилди.

Матбуот анжуманида журналистлардан тушган саволларга мутасаддилар томонидан аниқ жавоблар қайтарилди.

@ssvuz

ТРАНСПЛАНТАЦИЯ МУВАФФАҚИЯТЛИ АМАЛГА ОШИРИЛДИ

2026 йил 21 февраль куни Навоий кўп тармоқли тиббиёт марказида вилоят тарихида илк бор жигар трансплантацияси бўйича юқори технологияли ва ноёб операция муваффақиятли ўтказилди.

Ушбу амалиёт Миллий тиббиёт марказининг малакали мутахассислари, тиббиёт фанлари доктори Жасур Собиров ва Ахбор Сафаровлар бошчилигидаги жамоа ҳамда Мурод Ахмедов раҳбарлигидаги вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказининг малакали мутахассислари Ўткир Хушвақтов, Азиз Хамроев ва бошқа мутахассислар билан ҳамкорликда ўтказилди. Бу воқеа – нафақат

бир бемор ҳаётини сақлаб қолиш, балки бутун Навоий вилояти соғлиқни сақлаш тизими учун янги босқичнинг бошланишидир. Бемор 1983 йилда туғилган бўлиб, узок йиллар давомида жигар циррози билан оғриб келган. Касаллик оғирлашиб, жигар етишмовчилигига олиб келган. Консерватив даволаш усуллари самара бермагани сабабли трансплантация ягона умидга айланди. Донор – беморнинг аёли (1983 йилда туғилган). Операциядан олдин ҳар иккиси чуқур ва босқичма-босқич текширувлардан ўтказилди. Барча лаборатор таҳлиллар, КТ ва МРТ текширувлари, кон гуруҳи ва тўқима

мослиги аниқланди, кардиологик ва анестезиологик баҳолашлар амалга оширилди. Кўп тармоқли консилиум ижобий хулоса берди. Операция 12 соат давом этди.

Иккита операция бригадаси бир вақтининг ўзида ишлади: бири донордан жигарнинг бир қисmini ажратиб олди; иккинчиси реципиентга трансплантацияни амалга оширди. Айни вақтда донор ва реципиентнинг аҳоли яхши. Бу шифокорларимиз салоҳияти, жамоавий меҳнат ва инсон ҳаётига бўлган юксак масъулиятнинг ёрқин ифодасидир.

Мавлон ЯХШИЛИҚОВ.



ЭЗГУ МАҚСАДЛАР ЙЎЛИДАГИ ҲАМКОРЛИК

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ва АҚШнинг Сент-Жуд болалар тадқиқот шифохонаси вакиллари мамлакатимизга ташриф буюришди.



дори воситаларини “совуқлик занжири” асосида сақлаш ва ташиш жараёнларини кўздан кечирди. Халқаро экспертлар Болалар гематологияси, онкологияси ва иммунологияси илмий-амалий тиббиёт маркази фаолияти билан ҳам танишди. Бунинг баробарида делегация Тошкент шаҳар кўп тармоқли шифохонасидаги “Taskin” болалар онкологик хосписида ҳам бўлишди. **Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ва АҚШнинг Сент-Жуд болалар тадқиқот шифохонаси томонидан болалар саратонига қарши Глобал платформа йўлга қўйилган. Ўзбекистон ушбу платформага қўшилган илк давлатлардан бири бўлиб, лойиҳанинг асосий мақсади юртимизда саратон билан касалланган ўғил-қизларни сифатли дори воситалари билан бепул**



таъминлашдан иборат. Шунингдек, ЖССТ ва Сент-Жуд болалар тадқиқот шифохонаси вакиллари, болалар онкологиясини эрта ташхислаш ва даволаш борасидаги ишлар билан ҳам яқиндан танишишди. Айни кунларда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ва АҚШнинг Сент-Жуд болалар тадқиқот шифохонаси вакиллари мамлакатимизда бўлиб ту-

рибди. Делегация Ягона интегратор – “Uzinfocom”га ташриф буюриб, юртимизда саратон билан касалланган бемор болаларни электрон рўйхатга олиш ва маршрутизация қилиш тизими тақдими билан танишди. **Шунингдек, мониторинг, таҳлил, беморлар оқимини бошқариш бўйича рақамли ишланмалар намоиши этилди.**

Мехмонлар юртимизда болалар онкологиясини эрта ташхислаш ва даволаш борасида олиб борилаётган ишлар билан танишишди. Шунингдек, улар “Uzbekistan

Airports Cargo” логистик мажмуаси ҳамда Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитасининг вакциналар омборига ташриф буюриб, онкологик

■ Халқаро форум

БИЛИМ ВА ТАЖРИБА АЛМАШИШ МАЙДОНИ

Куни кеча Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институтида “Морфология ва жарроҳлик” мавзусида талабалар ва ёш олимларнинг халқаро форуми юқори савияда бўлиб ўтди.

шерлик”, “Сунъий кон айланиши” (АИК), “Анестезиология ва реаниматология назарияси”, “Оротахеал интубация”, “Шошилинч ультратовуш диагностикаси”. Форум доирасида илмий конференция ва амалий семинарлар ҳам ўтказилиб,

соҳадаги сўнги ютуқлар, инновацион ёндашувлар ва илғор тадқиқот натижалари муҳокама қилинди. Талабалар симуляцион ускуналарда амалий машғулотлар ўтаб, ўз маҳоратларини намоиш этдилар. Нуфузли халқаро форумда барча йўна-

лишлар бўйича ғолиб деб топилган жамоаларга кубок, диплом ҳамда эсдалик совғалари топширилди. –Албатта, мазкур форум талабалар ва ёш олимлар учун нафақат билим ва тажриба алмашиш майдони, балки тиббиёт



Мазкур нуфузли анжуман тиббиёт соҳасида таҳсил олаётган ёшларнинг назарий билимлари ва амалий кўникмаларини мустаҳкамлаш, халқаро ҳамкорликни ривожлантириш ҳамда тажриба алмашишни кенгайтиришга хизмат қилди. Форумда юртимизнинг 10 дан ортик олийгоҳлар ҳамда Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон давлатларидан етакчи университет жамоалари иштирок этди.

Халқаро олимпиада қуйидаги йўналишлар бўйича ташкил этилди. “Жарроҳлик тугунларини боғлаш”, “Жарроҳлик асбоблари”, “Пирогов анатомияси”, “Десмургия” (боғлам ва бинт қўйиш усуллари), “Симуляторда эндоскопия”, “Аку-



соҳасидаги сўнги янгиликлар билан танишиш имкониятини ҳам яратди, – дейди Абу Али Ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институти ректори, профессор Шухрат Тешаев.

Хулоса қилиб айтганда интилувчан, истесъодли талаба ёшларимизнинг билимга бўлган иштиёқлари, илмий салоҳият йўлидаги изланишлари бу албатта, тиббиётимиз ривожидида муҳим аҳамият касб этган ҳолда тиббиётнинг олий мақсади бўлган инсон саломатлигига эришишдан иборатдир.

Намоз ГОЛИПОВ,
журналист.

HOMILADORLIK DAVRIDA TISH VA OG'IZ BO'SHLIG'I KASALLIKLARI

Homiladorlik – ayol hayotidagi eng muhim va mas'uliyatli davrlardan biri bo'lib, bu vaqtda organizmdagi barcha tizimlar, shu jumladan og'iz bo'shlig'i ham jiddiy o'zgarishlarga uchraydi. Xalqimizda "Bola ko'targan ayol – oltin tashigan ayol" degan naql bor. Bu ibora homilador ayolning avaylash kerakligini bildirish bilan birga, uning organizmiga tushayotgan yukni ya'ni avlodlar, oilalar davomchisini ham anglatadi.

Jahon Sog'liqni Saqlash Tashkiloti (JSST) ma'lumotlariga ko'ra, homilador ayollarning 60–75 foizida turli darajadagi periodontal kasalliklar kuzatiladi. Bu ko'rsatkich rivojlanayotgan mamlakatlarda, shu jumladan O'zbekistonda yanada yuqori bo'lishi mumkin. Afsuski, ko'pchilik ayollar homiladorlik davrida tish muammolarini "tabiiy holat" deb qabul qiladilar va shifokorga murojaat qilishdan bosh tortadilar. Ushbu maqolada homiladorlik davrida og'iz bo'shlig'i kasalliklarining etiopatogenezi, ularning ona va homila salomatligiga ta'siri, oldini olish choralari ilmiy adabiyotlar tahlili va hayotiy misollar asosida yoritilgan. Shuningdek, mavzuga ma'naviy-axloqiy nuqta nazardan ham yondashilgan. Homiladorlik davrida estrogen va progesteron gormonlari darajasi sezilarli darajada oshadi. Loe H. (2002) ning "Periodontal disease: The sixth complication of diabetes mellitus" nomli tadqiqotida ta'kidlanganidek, gormonlar darajasining ortishi milklar qon tomirlarining o'tkazuvchanligini oshiradi, natijada yallig'lanish jarayoni kuchayadi. Progesteron esa prostaglandinlar ishlab chiqarishni rag'batlantiradi va immun tizimning mahalliy javobini susaytiradi. Kornman K.S. va Loesche W.J. (1980) o'tkazgan klassik tadqiqotda homiladorlikning ikkinchi trimestrida og'iz bo'shlig'idagi Prevotella intermedia bakteriyalari sonining 55 barobarga ortishi aniqlangan. Bu bakteriyalar progesteronni o'sish omili sifatida foydalanadi va gingiviti rivojlanishining asosiy sababchilaridan biri hisoblanadi.

Homiladorlik gingiviti – eng ko'p uchraydigan og'iz bo'shlig'i muammosi bo'lib, birinchi trimestrdan boshlab namoyon bo'la boshlaydi va ikkinchi trimestrdan eng yuqori darajaga yetadi. Silk H. et al. (2008) ning "Oral health during pregnancy" maqolasida ko'rsatilganidek, milklar shishadi, qizaradi, ovqat yeyishda va tish yuvishda qon ketadi. Ayrim hollarda "homiladorlik granulomasi" (epulis gravidarum) rivojlanishi mumkin – bu milklardagi yumaloq, qizg'ish rangdagi o'sma bo'lib, odatda tug'ruqdan keyin o'z-o'zidan so'riladi. Homiladorlik davrida toksikoz tufayli tez-tez qayt qilish og'iz bo'shlig'ining kislotali muhitini oshiradi. Oshqozon kislotasi (pH 1,5–2,0) tish emalining demineralizatsiyasiga olib keladi. Steinberg B.J. et al. (2013) ta'kidlashicha, bu holat ayniqsa birinchi trimestrdan kuchli toksikozdan aziyat chekayotgan ayollarda ko'p kuzatiladi. Hayotiy kuzatuvlarimizda ko'p homilador ayollar tug'ruqqa borgan davrda tishlarini oldirib yuborganiga guvoh bo'lganmiz. Xalqimizda "Har bir bola – bir tish" degan ibora mavjud. Bu albatta, ilmiy jihatdan to'g'ri emas, ammo homiladorlik davrida kalsiy almashinuvining buzilishi, ovqatlanish tartibining o'zgarishi va og'iz gigiyenasining yomonlashishi natijasida tishlar haqiqatan ham zarar ko'rishi mumkin. Offenbacher S.Et.al. (1996) ning muhim tadqiqoti periodontal kasalliklar va muddatidan oldin tug'ish o'rtasidagi bog'liqlikni birinchi bor ilmiy asoslab berdi. Og'iz bo'shlig'idagi surunkali yallig'lanish jarayoni natijasida ishlab chiqarilgan sitokinlar (TNF- α , IL-1 β , IL-6, PGE2) qon orqali bachadonga yetib boradi va bachadon bo'ynining muddatidan oldin ochilishiga sabab bo'lishi mumkin. Vergnes J.N. va Sixou M. (2007) o'tkazgan meta-tahlil natijalarida periodontal kasalligi bo'lgan homilador ayollarda muddatidan oldin tug'ish xavfi 2,83 barobarga, kam vaznli bola tug'ilishi xavfi esa 4,03 barobarga yuqori ekanligi isbotlangan. Bu raqamlar og'iz bo'shlig'i salomatligi va reproduktiv salomatlik o'rtasidagi uzviy bog'liqlikni yaqqol ko'rsatadi.

1-jadval. Homiladorlik davrida og'iz bo'shlig'i kasalliklarining trimestrlarga ko'ra xususiyatlari

Trimestr	Asosiy o'zgarishlar	Klinik ko'rinishlari
I trimestr (1–12 hafta)	Estrogen va progesteron darajasi ko'tarila boshlaydi; toksikoz kuchli	Milklarning engil yallig'lanishi, tez-tez qayt qilish natijasida emal eroziyasi
II trimestr (13–26 hafta)	Gormonlar darajasi eng yuqori nuqtaga yetadi; P. intermedia ko'payadi	Homiladorlik gingiviti eng og'ir darajaga yetadi, granuloma paydo bo'lishi mumkin
III trimestr (27–40 hafta)	Organizmda umumiy immun holati susayadi; kalsiy sarfi oshadi	Kariyes xavfi ortadi, periodontal cho'ntaklar chuqurlashishi mumkin

HAYOTIY MISOLLAR.

Mintalitetimizga xos bir shaklda biz ko'p kasalliklarga homiladorlikda tabiiy holat deb e'tibor qaratmaymiz. Misol uchun 28 yoshli ayol birinchi homiladorligining 5-oyida milklaridan qon ketishini sezdi. "Hamma homilador ayollarda shunday bo'ladi, o'tib ketadi" deb qaynona maslahat berdi. Ayol stomatologga bormadi. 7-oyga kelib milklar kuchli shishdi, tishlardan biri qimirlay boshladi. 34-haftada muddatidan oldin to'lg'oq boshlandi. Tug'ilgan bola 2100 gramm vaznda bo'lib, yangi tug'ilgan chaqaloqlar reanimatsiya bo'limida 2 hafta davolanishi kerak bo'ldi. Keyinchalik tekshiruvlarda ayolda og'ir darajadagi periodontit aniqlandi. Bu holat periodontal kasalliklar va muddatidan oldin tug'ish o'rtasidagi bog'liqlikning hayotiy dalilidir. Agar ayol o'z vaqtida stomatologga murojaat qilganida, bu holatning oldini olish mumkin edi.

MA'LUMOTLILIK – SOG'LOMLIK KALITI

32 yoshli boshqa bir ayol ikkinchi marta homilador bo'lganda, birinchi homiladorligidagi salbiy tajribasidan saboq oldi. U homiladorlikning dastlabki haftalaridanoq stomatologga tashrif buyurdi, professional tish tozalash jarayonini o'tdi va shifokor tavsiyalariga amal qildi. Natijada butun homiladorlik davomida og'iz bo'shlig'i muammolari deyarli kuzatilmadi va sog'lom, to'liq muddatli chaqaloq tug'ildi. Ayol o'z tajribasini qo'shnilariga va do'stlariga ham ulashdi: "Men birinchi homiladorligimda tish og'rig'idan juda qiynalдим. Ikkinchi safar shifokorga o'z vaqtida bordim va farqi osmon bilan yer" deb aytardi.

TOKSIKOZ VA TISH EROZIYASI

25 yoshli yana bir ayol birinchi trimestrdan kuchli toksikozdan aziyat chekdi – kuniga 5–6 marta qayt qilish holatlari bor edi. 4-oyga kelganda old tishlari sezilarli darajada yo'qarib, rangi o'zgardi. Stomatolog tish emalining eroziyasi tashxisini qo'ydi. Shifokor qayt qilishdan keyin darhol tish yuvmaslik, balki soda eritmasi bilan og'izni tozalashni tavsiya qildi. Bu oddiy usul Zulfiyaning tishlarini keyingi emirilishdan saqlashga yordam berdi.

ISLOM TIBBIYOTIDA OG'IZ GIGIYENASI

Islom dinida og'iz bo'shlig'i tozaligiga alohida e'tibor qaratilgan. Payg'ambarimiz Muhammad (s.a.v.) ning hadislarida misvok (siwak) ishlatish haqida ko'plab rivoyatlar keltirilgan. "Misvok – og'izni tozalovchi va Robbini rozi qiluvchi vositadir" (Sahih al-Buxoriy). Bu hadis og'iz gigiyenasining nafaqat jismoniy, balki ma'naviy ahamiyatini ham ko'rsatadi. Zamonaviy tadqiqotlar misvok (Salvadora persica) ning antibakterial, yallig'lanishga qarshi va tish plagini kamaytiruvchi xususiyatlarini tasdiqlagan. Al-Otaibi M. (2004) ning tadqiqotida misvok odatdagi tish cho'tkasi bilan solishtirganda gingiviti va plak indeksini kamaytirishda samaradorlik jihatidan teng yoki ba'zi hollarda ustunlik qilishi isbotlangan.

ONALIKNI ULUG'LASH VA SALOMATLIKKA E'TIBOR

O'zbek xalqining boy ma'naviy merosi onalikni eng oliy qadriyat sifatida ulug'laydi. "Onaning oyog'i ostida jannat bor" degan hadis onaga bo'lgan hurmatni ifodalaydi. Aynan shu sababli homilador ayolning sog'lig'iga g'amxo'rlik qilish nafaqat tibbiy, balki ma'naviy burchdir. Afsuski, ba'zi

an'anaviy tushunchalar homilador ayollarning stomatologga borishi "bolaga zarar beradi" degan noto'g'ri e'tiqodga asoslangan. Ilmiy ma'lumotlar buning aksini isbotlaydi: homiladorlik davrida stomatologik davolash xavfsiz va zaruriy ekanligi barcha zamonaviy klinik yo'riqnomalarda ta'kidlangan. Ayniqsa ikkinchi trimestr – stomatologik muolajalar uchun eng qulay davr hisoblanadi. Buyuk ajdodimiz Abu Ali ibn Sino "Tib qonunlari" asarida tish kasalliklari va ularning umumiy salomatlikka ta'siri haqida batafsil ma'lumot bergan. U tish og'rig'ining homiladorlik kechishiga salbiy ta'sir etishini ta'kidlagan va o'sha davrda mavjud bo'lgan shifobaxsh o'simliklardan foydalanishni tavsiya qilgan. Ibn Sinoning yondashuvi zamonaviy tibbiyotning preventiv (oldini olish) tamoyillariga mos keladi.

PROFILAKTIK CHORALAR VA TAVSIYALAR

Eng samarali yondashuv – homiladorlikni rejalashtirish bosqichidanoq stomatologik tekshiruvdan o'tish. Bu bosqichda barcha kariyes davolanishi, tish toshlari tozalanishi va periodontal kasalliklar bartaraf etilishi lozim. JSST va ko'plab milliy tibbiyot assotsiatsiyalari homiladorlikni rejalashtirish dasturiga stomatologik ko'rikni kiritishni tavsiya qiladi. Kuniga kamida 2 marta yumshoq tish cho'tkasi bilan tishlarni tozalash zarur. Ftoridli tish pastasidan foydalanish emal mustahkamligini oshiradi. Tishlar orasini tozalash uchun tish ipi (dental floss) ishlatish ham muhim. Toksikoz davrida qayt qilishdan so'ng og'izni bir choy qoshiq soda eritilgan bir stakan suv bilan chayib, kamida 30 daqiqa kutib, so'ngra tish tozalash tavsiya etiladi. Kalsiy (sutli mahsulotlar, yashil bargli sabzavotlar), D vitamini (baliq yog'i, quyosh nuri) va C vitamini (sitrus mevalari, qalampir) tish va milklar salomatligi uchun muhim ahamiyatga ega. Shakarli va kislotali oziq-ovqatlardan imkon qadar tiyilish kerak. Kundalik ratsionning muvozanatli bo'lishi nafaqat tishlar, balki homilaning to'g'ri rivojlanishi uchun ham zarurdir. Homiladorlik davomida kamida 3 marta – har trimestrdan bir marta stomatologga tashrif buyurish tavsiya etiladi. Shoshilinch stomatologik yordam istalgan vaqtda, shu jumladan birinchi va uchinchi trimestrlarda ham ko'rsatilishi mumkin. Ammo elektiv (rejalashtirilgan) muolajalar uchun ikkinchi trimestr eng mos davr hisoblanadi. Tahlil qilingan adabiyotlar va hayotiy misollar homiladorlik davrida og'iz bo'shlig'i salomatligining muhimligini ko'rsatadi. Gormonlar ta'sirida kuchaygan yallig'lanish jarayoni, o'zgargan mikrobiotsenotik muhit va immunologik holatning susayishi birgalikda tish va milklar kasalliklarini og'irlashtiradi. Ayniqsa diqqatga sazovor jihat shundaki, og'iz bo'shlig'idagi surunkali infektsiya nafaqat mahalliy asorat emas, balki tizimli ta'sir ko'rsatadi. Sitokinlar (TNF- α , IL-6) mediatsiyasi orqali bachadon mushaklari faoliyatiga ta'sir etishi, muddatidan oldin tug'ish va kam vaznli bola tug'ilishiga olib kelishi mumkin. Bu neurodegenrativ kasalliklar patogenezidagi sitokin mexanizmlariga o'xshash bo'lib, yallig'lanish mediatorlarining tizimli ta'sirining yana bir ko'rinishidir. Homiladorlik davrida og'iz bo'shlig'i kasalliklari jiddiy tibbiy muammo bo'lib, ularning oldini olish va o'z vaqtida davolash ona va bola salomatligi uchun hayotiy ahamiyatga ega. Ilmiy tadqiqotlar periodontal kasalliklar va noqulay homiladorlik natijalari o'rtasidagi statistik jihatdan ishonchli bog'liqlikni ko'rsatmoqda. Aholi o'rtasida, ayniqsa homilador ayollar va ularning oila a'zolari orasida og'iz bo'shlig'i salomatligi bo'yicha ma'lumotlilikni oshirish zarur. Noto'g'ri tushunchalar va xurofiy e'tiqodlarni ilmiy dalillar bilan bartaraf etish – tibbiyot xodimlarining muhim vazifalaridan biridir. Abu Ali ibn Sinoning so'zlari bilan yakunlasak: "Kasallikni davolashdan ko'ra, uning oldini olish afzaldir". Bu tamoyil homiladorlik davrida og'iz bo'shlig'i salomatligiga nisbatan ham to'liq amal qiladi.

Muzayyana USMONJONOVA,

Andijon Davlat tibbiyot instituti stomatologiya fakulteti 2 bosqich talabasi
Sadokatxon SHOKIROVA,
Andijon Davlat tibbiyot instituti 2-akusherlik va ginekologiya kafedrasida dotsenti.

Найден способ предсказать продолжительность жизни по анализу крови

УЧЕНЫЕ ВЫЯСНИЛИ, ЧТО ПРОСТОЙ АНАЛИЗ КРОВИ МОЖЕТ ПОКАЗАТЬ, КТО ИЗ ПОЖИЛЫХ ЛЮДЕЙ С БОЛЬШЕЙ ВЕРОЯТНОСТЬЮ ПРОЖИВЕТ КАК МИНИМУМ ЕЩЕ ДВА ГОДА.

Ключевым маркером оказались небольшие молекулы РНК — так называемые *miRNA*, уровень которых в крови оказался тесно связан с краткосрочной выживаемостью. Исследование опубликовано в журнале *Aging Cell*.

В работе проанализировали более 1 200 образцов крови людей старше 71 года. С помощью методов искусственного интеллекта исследователи сопоставили 187 клинических показателей и 828 малых РНК с данными о смертности. Оказалось, что комбинация всего шести *miRNA* предсказывала двухлетнюю выживаемость с точностью до 86 процентов — лучше,

чем возраст, уровень холестерина, физическая активность и другие привычные показатели здоровья. Интересно, что более низкие уровни определенных *miRNA* были связаны с большей продолжительностью жизни.

Подобный эффект ранее наблюдали у простых организмов, где снижение активности этих молекул сопровождалось увеличением срока жизни. Это может указывать на их прямую роль в механизмах старения и регуляции иммунных и восстановительных процессов.

Авторы подчеркивают, что речь пока идет о прогнозировании краткосрочных рисков. В дальнейшем ученые планируют выяснить, можно ли повлиять на уровень *miRNA* с помощью терапии или изменения образа жизни.

Если результаты подтвердятся, такой анализ крови может стать инструментом ранней оценки рисков и персонализированного подхода к здоровому старению.



Эффективный способ облегчить симптомы псориаза

БОЛЕЕ ВЫСОКАЯ ДОЛЯ РАСТИТЕЛЬНЫХ ПРОДУКТОВ В РАЦИОНЕ МОЖЕТ БЫТЬ СВЯЗАН С МЕНЬШЕЙ ВЫРАЖЕННОСТЬЮ СИМПТОМОВ ПСОРИАЗА. К ТАКОМУ ВЫВОДУ ПРИШЛИ ИССЛЕДОВАТЕЛИ ИЗ KING'S COLLEGE LONDON.

Результаты работы опубликованы в журнале *European Journal of Nutrition (EJN)*. В исследовании приняли участие 257 человек с псориазом.

Ученые проанализировали их пищевые привычки и сопоставили потребление макронутриентов с тяжестью заболевания. Выяснилось, что участники в среднем употребляли избыточное количество свободных сахаров (11,2 процента от общей калорийности) и недостаточно клетчатки — около 20 граммов в день. Наиболее выраженная связь была обнаружена между источниками белка и тяжестью симптомов. После учета индекса массы тела оказалось, что более высокая доля белка из мяса была связана с повышенной вероятностью тяжелого течения псориаза. В то же время большая доля раститель-

ного белка ассоциировалась со снижением риска выраженных симптомов. Кроме того, частое потребление сладких напитков также коррелировало с более тяжелым течением болезни, хотя эта связь ослабевала после поправки на массу тела.



Авторы подчеркивают, что результаты носят наблюдательный характер и не доказывают причинно-следственную связь. Тем не менее полученные данные указывают на потенциальную роль растительно-ориентированного питания в стратегии контроля псориаза и требуют дальнейших клинических исследований.

СОЗДАНА ТЕСТ-СИСТЕМА ДЛЯ ОЦЕНКИ РИСКА СМЕРТЕЛЬНО ОПАСНЫХ ТРОМБОЗОВ

Специалисты НМИЦ кардиологии имени академика Е.И. Чазова Минздрава РФ разработали инновационную методику, позволяющую в реальном времени оценивать активность фактора фон Виллебранда — белка, играющего ключевую роль в образовании опасных тромбов. Разработка выполнена в лаборатории клеточного гемостаза НИИ экспериментальной кардиологии.

Фактор фон Виллебранда (ФФВ) выполняет в организме функцию своеобразного "клея" для тромбоцитов. При его избыточной активности или повышенной концентрации кровь начинает сворачиваться прямо внутри сосудов, что может привести к инфарктам и инсультам. Проблема в том, что стандартные лабораторные анализы часто не способны выявить эту гиперактивность.

Новая разработка принципиально меняет подход к диагностике. Ученые создали тест-систему, которая

измеряет активность ФФВ именно в потоке — максимально приближенно к реальным условиям кровотока. Специальное устройство моделирует события, происходящие в кровеносных сосудах, позволяет имитировать повреждение сосудистой стенки и исследовать динамику пристеночного тромбообразования в режиме реального времени.

Методика открывает новые возможности для клинической практики. С ее помощью врачи смогут оценивать реальные риски тромбообразования при ишемической болезни сердца и системном воспалительном ответе; анализировать причины кровотечений при синдроме Хейде (поражении аортального клапана); диагностировать маточные кровотечения различного генеза.

Разработка позволяет не только выявлять скрытые угрозы, но и более точно подбирать терапию для пациентов с нарушениями системы гемостаза.

Страница подготовлена по материалам Интернета

■ ФВВ огоҳлантиради

ЁНГИН ХАВФСИЗЛИ ТАЛАБЛАРИ

Бинолар, иншоотлар ва хоналардан, асбоб-ускуналардан, жиҳозлардан фақат лойиҳа ва эксплуатацион-техник ҳужжатларда белгиланган мақсадларда ҳамда ёнги хавфсизлиги талабларига риоя қилинган ҳолда фойдаланиш керак.

Белгиланган тартибда ишлаб чиқилган ва тасдиқланган лойиҳасиз конструктив, ҳажмий-лойиҳавий, муҳандислик-техник ечимларга ўзгартириш киритилиши тақиқланади. Бинолар, иншоотлар ва хоналардаги ёнги қарши тизимлар ва қурилмалар доимо соз ва ишчи ҳолатда бўлиши керак. Эшикларнинг ўзини ёпадиган мосламалари доимо соз ҳолатда бўлиши зарур, тутунга қарши ва ёнги чидамли эшикларнинг осон очилишига ёки ёпилишига тўқинлик қилувчи бирон-бир мослама ўрнатиш мумкин эмас. Қурилиш конструкциялари, ёнувчи, пардозлаш ва иссиқликни тутувчи материалларнинг, ускуналарнинг металлдан ишланган устунларнинг (тиргакларнинг) оловдан химоялаш қопламлари бузилиши ҳолатлари дарҳол бартараф этилиши керак.

Р. АРИПОВ,

Фавқуллода вазиятлар вазири ўзбекистон Аэропорт» АЖ объектларида ФВ бўлими кичик инспектори, катта сержант.

КУНДАЛИК ҲАЁТДА ЁНГИН ХАВФСИЗЛИГИ!

Ҳусусий уйларда ва кўп қаватли биноларда хавфсизлик қондаларини унутмаслик керак. Кўпгина ҳолларда ёнгининг бепарволик билан бошқариш натижасида юзага келади.

Муаммоларни олдини олиш учун бир неча оддий қондаларга риоя қилиш тавсия этилади. Ўчирилмаган сигарет қолдиқларини, гугуртларни, ёнаётган қозони ахлат қутисига ташламанг. Уй, ертўла, шийпон ва ётоқда чекиш ман этилади. Ёнувчан материаллар бўлган хоналарда олов ёқманг. Шамларни чойшаблар, аёл, пардалар, сочқилар ёнига қўйманг. Ер тўлаларда пайвандлаш ишларини қилманг. Ошхонада ёнги хавфсизлиги режимида риоя қилиш айниқса, муҳимдир. Пишириш жойини печка қўлқоплари, сочқилар

ва осонгина ёниб кетиши мумкин бўлган бошқа тўқимачилик буюмлари билан тўлдириш тавсия этилмайди.

А. ПЎЛАТОВ,

Фавқуллода вазиятлар вазири ўзбекистон Аэропорт» АЖ объектларида ФВ бўлими кичик инспектори, катта сержант.

ДИҚҚАТ, ЗИЛЗИЛА! ЕР ҚИМИРЛАГАНДА НИМА ҚИЛИШ КЕРАК?

Маълумки, zilzila рўй берганда, еринг юза қисми унча узок бўлмаган вақт тебраниб туради. Ер силкиниши даври — силкиниши ер қатламнинг юзасида ва яқин масофада бўлса, бири неча сония, чуқурроқ ва олисда бўлса, 2-3 дақиқача давом этиши мумкин, бу тебранишлар инсонга нуқуллайлик туғдириб, саросимага туширади.

Лекин ер силкинишининг тўхташини қуттишдан бошқа чора йўқ. Шунинг учун ваҳимага тушмасликка ҳаракат қилинг, осойишталик ва хотиржамликни сақлаш жуда муҳим. Ер қимирлаётганда хотиржамлик ва ақл билан иш кўрсангиз талофатсиз чиқишингизга кўпроқ имконият бўлади. Бундан ташқари атрофингиздаги одамлар сиздан ўрнак олишди ва бу улар учун нихоятда фойдали. Ер силкиниши хавфи бўлганда бинодан чиқиш йўлини олдиндан белгилаб қўйиш керак. Ёдингизда бўлсан — ер силкиниши ярим тунда ҳам юз бериши мумкин. Чиқиш йўллари, эшиклар одамлар билан тирбанд бўлиб, ташқарига тез чиқишни қийинлаштиради. Бинони зудлик билан тарк этиш биринчи қават деразалари орқали ҳам амалга оширилади. Уйингиздаги хавфсиз жойларни олдиндан белгилаб қўйиш. Ер қимирлаганда уйнинг энг хавфли жойлари — ички ва ташқи дераза остилари, деворларнинг ойна билан қопланган қисмлари, айниқса охириги қаватлардаги бурчақда жойлашган хоналар, лифт ва зинапоё майдончалари бўлиши мумкинлигини ҳисобга олиш керак.

Аҳмад ПЎЛАТОВ,

“Қорасув” қароргоҳи Давлат Резиденцияси ОФВБ кичик инспектори, кичик сержант.

СЕЛ КЕЛИШ ХАВФИ ЮЗАГА КЕЛГАНДА...

Сел — катта миқдорда тоғ тошлари, қум ва тупроқ жинслари билан биргаликда тоғдан оқиб тушувчи сувоқими бўлиб, мунтазам жала қўйиши, тоғ қорларининг эриши, тоғ сув хавзалари, сув омборлари, музлаган сув хавзалари қирғоқларининг ўпирилиб кетиши ва бошқа сабаблар олиб келиши мумкин.

Катта ҳажмга ва юқори тезликка эга бўлган сел оқими, йўлидаги барча биноларни, аҳоли яшайдиган уйларни, гидро техник иншоотларни бузиб, қишлоқ хўжалик экинларини, боғларни пайҳон қилади. Одамлар ва ҳайвонларни нобуд қилади. Сел оқими вужудга келиши куз ва баҳор ойларига тўғри келади. Сел хавфи бўлганда аҳолининг ҳаракати бўйича тавсиялар. Сел хавфи бўлган худудларда яшовчи ҳар бир киши унинг уйи, хўжалигини сел келиш худудидан жойлашганлиги ҳақидаги маълумотга эга бўлиши керак ва Узгидромет, ФВВ/ФВБ, ҳокимиятлар вакиллари томонидан берилган кўрсатмалардаги сел ва сув тошқинидан химоя қилиш йўл-йўриқларига албатта амал қилиши лозим. Сел оқимининг ёнги иши ва унинг оқибатлари катта моддий зарар келтириб, одамлар ҳаёт ва соғлиғига хавф туғдириши мумкин. Сел оқимларидан фақат қочиб қутилиш мумкин. Сел хавфи тўғрисида хабар эшитгандан сўнг дарҳол хавфсиз жойга қўчиш ҳаракатларини қилиш керак. Сел оқимидан халос бўлишнинг иложи бўлмаса, баландроқ тепалик устига, дарахтга ёки бирор баландроқ мосламалар устига чиқиш керак. Одатда сел 3-5 соат вақт давом этиши мумкин.

Дилшод ХУСАНОВ,

“Қорасув” қароргоҳи Давлат Резиденцияси ОФВБ кичик инспектори, кичик сержант.

“МАҲОРАТ ДАРСЛАРИ” ЎТКАЗИЛДИ

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасида амалга оширилаётган изчил ислохотлар амалда ўз самарасини бермоқда. Энди замонавий жарроҳлик амалиётлари фақат пойтахт клиникаларида эмас, ҳудудий тиббиёт муассасаларида ҳам кенг жорий этилмоқда. Айниқса, травматология йўналишида юқори технологияли мураккаб операцияларнинг амалга ошираётган маҳаллий мутахассисларнинг касбий салоҳияти ва амалиёт тажрибаси изчил юксалаётганини кўрсатади.

Ана шундай амалий ташаббуслардан бири – Республика шойлинич тиббий ёрдам илмий маркази Бухоро филиали мутахассислари томонидан ташкил этилган навбатдаги “Маҳорат дарслари” бўлди. Бу сафарги машғулот назария эмас, балки клиник ҳолат асосида ўтказилгани билан аҳамиятлидир. Марказнинг етакчи травматолога А.Яхёев Бухоро шаҳар тиббиёт бирлашмаси травматологлари билан ҳамкорликда мураккаб юқори технологияли амалиётни амалга оширди.

Маълум қилинишича, меҳнатга қайтиши, ўрта ёшли бемор уй шароитида эҳтиётсизлик оқибатида йиқилиб, ўнг сон суяги юқори учлигидан ёпик,

бўлакларини синиш жароҳатини олган. Жароҳат оғир кечгани боис бемор бир неча кун жонлантириш бўлимида даволанган. Унинг умумий аҳволи барқарорлашгач, мутахассислар томонидан консилиум ўтказилиб, оператив даво тактикаси белгилаб олинди.

“Маҳорат дарси” жараёнида ҳамкорликда ўнг чанок-сон бўғими тотал эндопротезлаш амалиёти бажарилди. Бу – юқори аниқлик, пухта ҳисоб-китоб ва катта тажрибани талаб этадиган, замонавий травматологиянинг энг масъулиятли йўналишларидан бири. Бундай амалиётлар нафақат синишни бартараф этиш, балки беморнинг келгуси ҳаёт сифати, ҳаракат фаоллиги

ва меҳнатга қайтиши нуқтаи назаридан ҳам ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Мутахассислар таъкидлаганидек, оғир жароҳатларда тўғри ва ўз вақтида танланган жарроҳлик усули беморнинг эрта реабилитация қилинишида асосий омил бўлади. Замонавий тиббий ускуналар, сифатли дори-дармонлар муҳим, албатта. Аммо амалиёт натижасини белгилайдиган энг асосий куч шифокорнинг билим ва тажрибасидир. “Маҳорат дарслари” айнан шу тажрибани ўзаро алмашиш, амалий кўникмаларни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Шунингдек, РШТЭИМ Бухоро филиали травматология бўлими мудири А. Мўминов бошчилигида мутахассислар Бухоро шаҳар травматология ва анестезиология хизматини янада такомиллаштиришга қаратилган аниқ режаларни белгилаб олди. Ҳамкорликни кенгайтириш, инновацион услубларга асосланган “Маҳорат дарслари”ни мунтазам ташкил этиш орқали ҳудудда юқори технологияли тиббий хизмат кўламини янада ошириш кўзда тутилмоқда.

Эътиборлиси, бундай амалий машғулотлар фақат бир операция билан чекланиб қолмайди. Улар



ҳудудий тиббиёт муассасаларида жамоавий ишлаш тажрибаси ва замонавий ёндашувларни шакллантиришга хизмат қилади. Бу эса ўз навбатида беморлар учун хавфсиз, сифатли ва самарали тиббий ёрдам кўрсатиш имкониятини кенгайтиради.

Бир бемор тақдирини мисолида кўрилган бу “Маҳорат дар-

си” аслида кенгроқ маъно касб этади: ҳудуд тиббиёти салоҳияти ортиб бораётгани, мураккаб жарроҳлик амалиётлари жойларда муваффақиятли бажарилаётгани ва энг муҳими – инсон саломатлиги устувор кадрият эканини амалда намоён этмоқда.

Обид ҚЎЛДОШОВ,
журналист.

ТИББИЙ ХИЗМАТ СИФАТИ ЯНАДА ОШМОҚДА

Ҳар бир касбнинг ўзига хос машаққатли, масъулиятли ва шарафли томонлари бор. Аммо шифокорлик касби буларнинг барчасини ўзида мужассам этган десак муболаға бўлмас. Бу нафақат билим ва кўникма, балки чегарасиз меҳр, фидойилик ва инсонпарварлик талаб қиладиган олийжаноб касбдир.

Кейинги йилларда мамлакатимиз тиббиёти изчил янгилашмоқда. Буни биргина “Тиббиётда 90 кунлик” ўзгаришлар вақти дастури доирасида амалга оширилаётган кенг кўламли ҳаракатлар ҳам тасдиқлайди. Мақоламиз Республика шойлинич тиббий ёрдам илмий маркази Андижон филиали ҳақида бормоқда. Филиал 28 та бўлимдан иборат бўлиб, улар янги техникалар билан жиҳозланган. Мазкур илмий марказга Дилшодбек Ҳакимов раҳбарлик қилади. Бир қарасангиз таржибали шифокорни у бўлимда ёки бу бўлимда кўрасиз. Тиним билмас бу жонқуяр раҳбар шифохонага келаётган беморлар учун қандай шароит керак бўлса, барчасини яратиб қўйган. Марказ қошида 1-жарроҳлик бўлими 20 нафар беморга мўлжалланган бўлиб, унда

етарли шароитлар мавжуд. Беморларга 15 нафар юқори малакали врачлар ва 15 нафар ҳамширалар, 10 дан ортиқ кичик тиббиёт ходимлар хизмат кўрсатади. Врачлардан Шухратбек Асранов бўлим мудири врач-жарроҳлар Илҳомжон Ҳакимов, Файзулло Ғуломов, Акбаржон Жалолов, Носиржон Қосимов, Хуршидбек Якубовлар беморларни даволашда ўз билимларини қўллаб уларга шифо бахш этмоқдалар. Ҳар бир палатага биттадан ҳамшира бириктирилган. Катта ҳамшира Ойдиной Эшонова, ҳамширалар Дилафруз Жумабоева, Нигора Рустамова, Ҳилола Умаровалар беморларга даво муолажаларни ўз вақтида ўтказиб, сифатли тиббий хизмат кўрсатиб келмоқдалар. Эътирофлиси шундаки, шифо масканида барча шароитларнинг



мавжудлиги, беморларга ўз вақтида тўғри ташхис қўйиш, шунингдек, даво муолажаларини сифатли олиб бориш ҳамда операция амалиётларини муваффақиятли бажаришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Хулоса ўринда айтиш жоизки, кейинги йилларда Давлатимиз раҳбарининг мамлакатимиз тиббиёт тизимига бўлган эътиборлари боис, юртимиз тиббиёт муассасаларида фуқароларга

тиббий хизмат кўрсатиш сифати янада яхшиланиб бораётганлигига амин бўлмоқдамиз. Шундай экан, халқимиз саломатлиги йўлида фидойиларча меҳнат қиладиган соҳа ходимларининг масъулиятли ва шарафли ишларига ривожлар тилаб қоламан.

Тўраҳон ҒОФУРОВ,
Ўзбекистон Республикаси
журналистлар уюшмаси аъзоси,
ЮНЕСКО мукофоти совриндори.